

Жамият

“ҚАҲҚАҲА”:

КУЛИШ ОСОН,
КУЛДИРИШ
ЭСА...

4



5



МАЛИКАДАЙ УЛУФВОР,
ОНАДАЙ МЕҲРЛИ



8

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Муҳаммадкарим ШОМУРОДОВ
сурат-лавҳаси.

Бунёдкорлик асрлардан наслларга ўтаверади



Индекс — 176

“Оила ва жамият”
газетасини ўз оиласининг яна
бир ҳақиқий аззоси сифатида
қадрлаб, биз билан ҳамфикр,
ҳаммаслак бўлиб келаётган
муҳтарам муштарийлар!
Унутманг, сеvimли газетангиз-
га обуна давом этмоқда!



ҲИКМАТ

Бахт — сен гапира-
ётган сўз, ўйлаётган
ўй ҳамда қилаётган
хайрли ишларинг
ўртасидаги уйғунлик-
дир.

Моҳандас ГАНДИ

Истеъдодли ёшлар нафақат жамият, балки халқ ва миллат бахти, нурли келажигидир. Шу маънода Президентимиз таъаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотиға номзодларни аниқлаш учун ўтказиб келинаётган кўрик-танловлар юртимиз қизлари ижоди, интилишига туртки бериб, уларни янги-янги ютуқлар сари руҳлантирмоқда.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2015 йилги номзодларини аниқлаш мақсадида ўтказилган танловнинг Наманган вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда дастлабки босқичларда ғолибликка эришган 60 нафар қизнинг адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият йўналишлари бўйича бор билим ва маҳоратлари синавдан ўтди.

Танлов жараёни, номзодлар фаолиятини кузатар эканмиз, қизлар ижодида

ИҚТИДОР ВА ИМКОНИЯТ ҚИРРАЛАРИ

ўсишни, мукофот ўз мазмун-моҳияти билан қизлар онгига, ҳаётига тобора чуқурроқ сингиб бораётгани, бу уларнинг истеъдодини янада сай-



қаллаб, интилишларини кучайтираётганини сезиш қийин эмас. Комиссияга тақдим этилган асарлар, илмий ва ижодий изланишлар намуналари қизларнинг ноёб қобилиятларидан далолат беради.

Дарвоқе, номзодларнинг

иктидори кўп қиррали экани танлов жараёнида ўз исботини топди. Чортоқ педагогика коллежи ўқувчиси Мадина Абдурахмонованинг мафтункор попочилиқ намуналари, Норин педагогика коллежи ўқувчиси Ситора Мелибоеванинг илмий мақолалари, НамДУ талабаси Мафтун Олимжонова чизган суратлар, Норин туманидаги 31-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Рислиғой Аҳмадалиеванинг ландшафт дизайни бўйича яратган лойиҳалари, Мингбулоқ туманидаги Ўзғариш маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқувчиси Зухраҳон Собированинг адрас ва атлас матола-ридан тиккан бежирим либослари, Наманган педагогика коллежи ўқувчиси Муштарийбегим Сайфиддинованинг ижод намуналари, Наманган олимпия захиралари

ЗУЛФИЯ КИЗЛАРИ ТАНЛОВИДА

коллежи ўқувчиси Кумушхон Хўжаеванинг дзюдо, ўзбек кураши ва турон якка кураши бўйича эришган ютуқлари кўпчилиқни қувонтирди.

Шахло ТОШБЕКОВА,
“Оила ва жамият”
муҳбири.
Наманган вилояти.

Абдумутал МАТКАРИ-
МОВ олган сурат.

Иқтидор, изланиш ва имконият. Бу сўзлар ўзаро муштарак равишда бугун бугун Ўзбекистон қизлари сийратию сиймосида намоеъ бўлаётир. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда Зулфия номидаги Давлат мукофотиға номзодларни саралаш учун ўтказилаётган кўрик-танловларнинг ҳар бир босқичи чинакам ижод баҳсига айланмоқда, ҳар йили юзлаб янги истеъдод эгаларини кашф этмоқда.

Кўрик-тавлон

НАМУНАЛИ ТАДБИРКОР АЁЛЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, “Тадбиркор аёл” ишбилармон аёллар уюшмаси ва “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида ташкил этилган “Энг намунали тадбиркор аёл лойиҳаси — 2014” кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда Президентимиз раҳнамолигида йил сайин ривожланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани, айниқса, аёллар ўртасида тадбиркорликни янада юксалтиришда юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Эътиборли жиҳати, давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳажми ва сифати ҳамда самарадорлигини янада кенгайтиришга ўзига хос ҳисса қўшаётир. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида биргина Сурхондарё вилоятида тадбиркор хотин-қизларга тижорат банклари томонидан 40 миллиард сўмдан ортик кредит маблағ ажратилганлигининг ўзиёқ бу борада амалга оширилган хайрли ишлар натижасидир.

“Энг намунали тадбиркор аёл лойиҳаси — 2014” кўрик-танловининг қуйи босқичи ғолиблари бу соҳада қўлга киритган муваффақиятлари, нуфузли кўргазмалардаги фаол иштироки, ишлаб чиқараётган маҳсулотни, аҳолига кўрсатилаётган ҳолис хизмати сифати сингари кўрсаткичларига асосан ҳайъат томонидан аниқланди.

Нихоят, мазкур босқичда Термиз шаҳридаги “Лола-имкон-барака” хусусий корхонаси раҳбари Сайёра Қулматова “Ишлаб чиқариш соҳасида энг яхши тадбиркор аёл”, Қумқўрган туманидаги “Аъзамбой-Очилбой” хусусий корхонаси раҳбари Зулфия Чориева “Сервис соҳасида энг яхши тадбиркор аёл”, Сариев туманидаги “Моҳларойим” хусусий корхонаси раҳбари Гулбаҳор Давидова “Қишлоқ жойларда энг яхши тадбиркор аёл” йўналишлари бўйича ғолиб деб топилди ва ҳал қилувчи республика босқичига йўлланмага эга бўлди.

Ўз мухбиримиз.

ОГОҲЛИКНИ УНУТМАНГ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида мамлакатимиз микёсида “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги”ни ўтказишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири, бу, жойларда куз-қиш мавсуми арафасида ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кучайтиришдан иборатдир.

Масалан, ўтган йилда ўтказилган тадбирни таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу ойлик давомида турли объектлар, аҳоли турар жойларининг ёнгинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Бу борада белгиланган қоида ва талабларни бажармаган ёки уларни қўпол равишда бузган раҳбар ва жавобгар шахсларга нисбатан маъмурий жарималар солинди.

Айниқса, кенг жамоатчилик ўртасида мазкур жараённинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, ёнгин ўчириш техникасининг жанговор ҳолатини намойиш қилиш мақсадида республикамиз маҳаллаларида, ўқув юртларида, маданий-маиший муассасаларда учрашув, мулоқотлар ўтказилди.

Шунингдек, ёнгинларнинг олдини олишга қаратилган ишларни кенг оммага чуқурроқ етказиш мақсадида ҳамда фуқаро, ўқувчилар, ишчи ва хизматчилар орасида ёнгин ўчириш автоуловлари, ёнгин ўчириш асбоб-анжомлари ва уларнинг техник имкониятлари ҳақида маълумот берилди ҳамда ёнгинга олиб келган ашёвий далилларни кўрсатувчи кўргазмалар ташкил этилди. Амалга оширилган тадбирлар ва кўрилган чоралар натижасида республикада ёнгин ҳолатлари камайишига эришилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин: “Нега бу ойлик айнан ҳар йили шу даврда, яъни қишки мавсум давомида ўтказилди?” Маълумки, куз фаслининг бошланиши ва шу билан бирга қиш ойлари давомида барча аҳоли ўз хонадонларида ва бошқа халқ ҳўжалик масканларида иссиқликни сақлаш мақсадида мавжуд иситиш мосламаларидан фойдалана бошлайди. Бундай пайтда табиийки, айрим фуқаролар ўз уйларидаги иситиш печларини мавсум бошида созлогини текширмаганлиги, носоз, қўлбола электр иситиш мосламаларидан фойдаланишлари, газ мосламаларини ёнгин хавфсизлиги қоидаларига зид равишда ишлатишлари, уларни ноқонуний тарзда ўзбошимчалик билан резина шланг орқали улаб ишлатишлари оқибатида турли хил ёнгинлар содир бўлмоқда. Агар йил давомида содир бўлган ёнгинлар таҳлиliga эътибор берадиган бўлсак, шу нарса аён бўладики, ёнгинларнинг ортиб бориши айнан совуқ кунларда ва фуқаролар турар-жойларида содир бўлади. Ёки шу даврда ёнгинларнинг ҳам қарийб 40-50 фоизини иситиш печларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўлганлиги аниқланади. Шунинг учун кузги-қишки мавсумда ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига хавфли ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида кечаю кундуз назорат этиш масъулияти юкланади. Шу билан бир қаторда республика аҳолиси ва корхона, ташкилотларнинг мутасаддилари томонидан ҳам ўзлари яшаётган ва фаолият юритаётган жойларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этишлари талаб қилинади.

Улугбек ВАФАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ёнгин хавфсизлиги
бош бошқармаси катта муҳандиси, майор.

ҲАММАСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Юнусобод тумани худудида ўтган давр мобайнида 190 та ёнгин содир бўлиб, уларда инсон ҳаётига хавф солувчи ҳолатлар қайд этилган. Ушбу ёнгинларнинг содир бўлишига фуқароларимизнинг ёнгин хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузётганликлари сабаб бўлган. Жумладан, оловдан фойдаланишда эҳтиётсизлик, шахсий хонадон ва кўп қаватли уйларда тегишли талабларга жавоб бермайдиган электр ускуналаридан нотўғри фойдаланиш, болаларнинг ўзбошимчилиги, иситиш печларидан нотўғри фойдаланиш натижасида ана шундай нохуш воқеалар рўй берган.

Ўзбекистон Республикаси худудида куз-қиш мавсуми олдиндан ёнгинларнинг олдини олиш ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида ўтказилаётган ушбу муҳим тадбирда барчамиз ҳамжихатлик билан иштирок этишимиз лозим.

Муҳтарам юртдошлар!

*** Уйингизда ёниб турган газ ва электр асбоб ускуналарни назоратсиз қолдирманг, газ тармоғидан резина шланг улаб фойдаланманг, газни ёқишдан олдин гуруттини ёқиб, сўнгра газ жўмрагини очинг, газ горелкаси ва иситиш печлари устида кир қуритманг, газ ҳиди сезилса, эшик ва деразаларни очиб, хонани шамоллатиш ва бу ҳақда зудлик билан мутасадди идораларга хабар беришни унутманг! Газ ва электр асбобларини назоратсиз қолдирманг!**

*** Иситиш печи ва ўчоқларда олов олдириш учун бензин ёки керосин каби тез аланга олувчи воситалардан фойдаланманг, иситиш печи мўриларини бинонинг ёғоч қисмидан 38 см. дан кам бўлган массафада ўрнатманг, иситиш печи ва унинг мўрисининг носоз жойларини ўз вақтида таъмирланган, уйингизни қўшни иморатлар чорбоғи билан туташган жойларига ёнгинга қарши девор ўрнатишни унутманг!**

*** Электр симларининг узилган ва ишдан чиққан қисмларини тезда созланг ёки алмаштиринг, икки ва ундан ортик электр асбобларини бир вақтинг ўзида асло ишлатманг, қўлбола ясалган электр асбоблари ва газга мослаштирилган иситиш воситаларидан фойдаланманг!**

*** Уйдан чиқишдан олдин газ ва электр ускуналар (плита, дазмол, телевизор ва бошқалар) ни ўчирилганлигини текшириб чиқинг, ўринда ётиб, сигарета чекманг, кўп қаватли уйлар олди ва кўчаларга сунъий тўсиқлар қўйманг!**

*** Ёнгин содир бўлганда зудлик билан «101» рақами орқали Ёнгин хавфсизлиги хизматига хабар беринг.**

Дилшод УМАРОВ,
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ
катта инспектори, сержант.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАНГАН

Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

(65-модда)

Маълумки, она сайёра-мизнинг қайси бир бурчагида миттигина чақалоқ дунёга келса, ўша лаҳзанинг ўзидаёқ у ҳам биз катталарга ўхшаб, ўзининг ҳақ-ҳуқуқ, эркинликларига табиий равишда эга бўлади. Бу эса «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция ва унга асосланган ҳолда, дунёнинг турли давлатларида қабул қилинган қонунларда белгилаб берилган ҳуқуқлар мажмуасидир.

Муболағасиз айтиш мумкинки, ҳар бир инсон келажакимиз ворислари ҳисобланган фарзандлар ҳақида ўйлаганда ёки кўча-кўйда уларга кўзи тушгандаёқ қалбида пайдо бўладиган ажиб бир туйғу унинг юз-кўзларида ҳам акс этади. Ўзининг ғаройиб қилиқлари ёки бетакрор хатти-ҳаракатлари ёхуд ширин каломи билан ҳар қандай кишининг кайфиятини кўтариш-га-да қодир бўлган болажонлар тақдири ҳақида ҳар қанча қайғурсак, гамхўрлик кўрсатсак ҳам. Балки шу боис ҳам болаларни софлик, беғубор-

лик рамзи сифатида қабул қилишга ўргангандирмиз.

Таъкидлаш ўринлики, бола, аввало, барча эркинликларга эга бўлган мустақил инсон сифатида худди катталар сингари ўз ҳуқуқига эга. Яъни ҳар бир бола эркин яшаш, табиат ва жамиятдаги мавжуд неъматлардан баҳраманд бўлиш, шахсий ва турар-жой дахлсизлиги, ўзига тааллуқли бўлган маълумотларнинг сир тугилиши каби ҳуқуқларга эгадир. Бола ҳуқуқи туғилган вақтидан бошлаб, у қайси бир давлатда туғилган бўлса, ўша мамлакат томонидан кафолатланади. Масалан, дунёга келган чақалоқ аввал турғуқонада юриштиладиган дафтаридаги рўйхатга ёзилади, кейин эса фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари томонидан боланинг исми, ота-онасининг исми, туғилган санаси, вақти, жойи қайд этилади ва шу асосда унга туғилганлик ҳақида гувоҳнома берилади. Ушбу ҳужжатнинг ўзиёқ боланинг фуқаро сифатидаги ҳуқуқий мақоми белгилайди, яъни ўша мамлакатда қонуний яшайётган барча фуқаролар қандай ҳуқуқларга эга бўлса, туғилган болалар ҳам худди шундай ҳуқуқларга эгалик қиладилар.

Бола ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг яшаш эркин-

лигини кафолатлаш ҳозирги даврнинг глобал, жиддий муаммоларидан биридир. Бу каби масъулият вазифани бажариш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ долзарб масалалар жаҳон ҳамжамиятининг ҳам диққат-эътиборида турганлиги бежиз эмас. Чунки ҳар қандай даврда ёш авлод жамият тараққиёти ва истиқболини таъминловчи, белгилловчи етакчи куч ҳисобланади. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таъминлаш давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг ўзаро ҳамжихатлиқдаги сый-ҳаракатлари тизимидан иборат бўлиб, бу халқаро миқёсда бир неча йўналишда амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция Ўзбекистон мустақиллигини кўлга киритганидан кейин ратификация қилган илк халқаро конвенция эканлиги билан аҳамиятлидир. Шунингдек, 2008 йилнинг 8 январидан эътиборан қучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни бола ҳуқуқлари билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмини такомиллаштиришга асосланганлиги билан эътиборга моликдир.

**Ижобат ВАҒОКУЛОВА,
Зулфия
НИЗОМИДДНОВА,
Тошкент шаҳар Шайхон-
тоҳур туман
1-сонли нотариал идора-
си нотариуслари.**

МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Жамиятнинг моддий ва иқтисодий барқарорлиги демократик эркинликлар ва ҳақ-ҳуқуқларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Демократия бўлган жойда ҳаёт таназулга юз тутмайди. Кўҳна тарихда бунга кўра-била туриб ҳам демократиядан қўл силтанган, оқибатда бутун-бутун мамлакатлар, давлат ва ҳокимиятлар барбодликка юз тутган ҳоллар кўплаб кузатилган.

Мустақил Ўзбекистоннинг қисқа тарихи халқимиз ва давлатимиз ўзининг буюк истиқболлиги, демократияга кенг йўл очган, бинобарин, бу билан жаҳон тараққиёти тажрибасини жамият ҳаётига собитқадамлик билан тadbик этган ҳолда етиб боришни кўзлаётганидан далолат беради.

Жамият тараққиётининг демократик омили Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлар билан кафолатланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бош Қомусимизнинг 13-моддасида баён этилганидек, «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади».

Хўш, Қомусимиз матнида ўз ифодасини топган ана шу фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлар нималардан иборат, шу асосда яратилган қонун ҳужжатларининг мазмун моҳияти-чи? Таъкидлаш зарурки, Конституциямизнинг бутун бошли битта — иккинчи бўлими мамлакат фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлик ва бурчлари бағишланган. Унда инсоннинг яшаш, меҳнат қилиш, мулкдор бўлиш, дам олиш, ижтимоий таъминлаш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, ўқиш, касб-хунар ўрганишга оид бўлган ҳуқуқлари ўзининг мужассам ифодасини топган. Инсонлар, фуқароларнинг сўз ва виждон эркинлиги, диний ҳамда сиёсий қарашлари Конституциянинг янада ёрқин жиҳатини ташкил этади ва у жаҳон демократияси андозаларига тўла ҳамоханлиги билан ажралиб туради. Бош Қомусимизнинг 31-моддасида қайд этилишича, «Хамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран синдиришга йўл қўйилмайди».

Аҳамиятли жиҳати шундаки, Конституциянинг айнан шу моддаси пировардида катта сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга молик бутун бошли янги қонун ҳужжати яратилиши омилига айланади. 1991 йили мамлакат истиқлоли арафасида яратилиб, халқимизга тақдим этилган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1998 йили тараққиёт сари юзланган жамиятнинг талаб ва тақозоларига кўра янги таҳрирда қабул қилинди. Давр ва жамият руҳи, фуқароларнинг хоҳиш-иродаси, жаҳон демократияси мезонлари унда ўзининг муносиб аксини топди.

Мустақил Ўзбекистон халқи ўзининг кўп асрлик тарихи мобайнида илк бора чинакам виждон эркинлигига эришди: ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини кўлга киритди. Ваҳоланки, олдинги давр қонунларида диний эътиқод умуман эътироф этилмаган, амалда эса ҳатто очкидан-очки рад қилиб келинган. Энг улғу, энг азиз неъмат истиқлолнинг мислсиз табиитини қарангки, бир пайтлари бутун юрт бўйлаб омма хоҳиш-истагига хилоф тарзда ман этилиб, қатагон қилинган суннат, шаръий никоҳ, Наврўз, Рамазон, Йиди-рўза, Йиди-қурбон, Хотира ва қадрлаш байрамлари, бошқа диний ва аъёнавий маъракамаросимлар, расм-русумлар мустақиллик шарофати туфайли ҳаётимизга қайтадан ўзгача руҳ бағишлади. Қомусимиз асосида яратилган маъзур қонун бошқа бир ҳолатни ҳам эътироф этди. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари динга муносабатидан қатъи назар, қонун олдида тенг деб эълол қилинди.

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилганлигини унутмаслик зарур. Айни пайтда давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашадиган, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди. Шу муносабат билан қонуннинг 5-моддасида уқтирилганидек, «Диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди». Халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, бунёдкорлик меҳнати, ҳудудларимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлиги ҳар нарсадан устун туради.

Инсон ўзининг виждони, фикр-ўйи ва хоҳиш-иродаси бобида ҳаммиса эркин. Уни ҳеч нарса билан жиловлаб олмайди. Аксинча, инсон эрки, эркинлиги ва ҳуқуқларига изн берилган, бундай омиллар қонун билан кафолатлаб, мустаҳкамлаб қўйилган жойда омманнинг ялли хайрихоҳлиги намоен бўлади, халқ, давлат ва жамият ўртасида ўзаро ҳурмат-баҳамжихатлик қарор топади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва юқорида таъриф этилган қонун ҳужжати ана шу каби долзарб ва стратегик вазифалар, дастур ва масалалар, олийжаноб мақсадлар ечимига хизмат қилаётганлиги билан янада мўътабар ва улғувордир.

**Сайёра АЛЛАБЕРГАНОВА,
Хива туман ФХДЭ бўлими мудири.**

МАНЗУРА ОПАНИНГ МАНЗУР ИШЛАРИ

Наманган вилояти Янгиқўрган туманидаги «Зарбдор» кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Тинчлик» маҳалласида аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшларни касб-хунарга йўналтириш борасида бир қатор ибратли ишлар йўлга қўйилган. Маҳалланинг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Манзура опа Муртазаева маҳалланинг каттаю кичиги билан бирдек тил топишди.

— Кенгашли тўй тарқамас, деган гап бежиз айтилмаган, — дейди Манзура опа. — Худудимизда 2992 нафар аҳоли бўлса, шундан 1442 нафарини аёллар ташкил этади. Биласиз, фарзандларимиз соғлом туғилиши учун, энг аввало, аёлларимизнинг саломатлигига эътиборли бўлишимиз керак. Шунинг учун оилалар билан ҳамкорликда ишлашга ҳеч қачон эринмаймиз. Маҳалла ахли опа-синглиси, дардакшига суюнгандек, биз билан бамаслаҳат иш қилмоқда.

Аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида бир қатор ишларни йўлга қўйдик. Ҳафтанинг сешанба кунини «Ҳомилдорлар кунини» деб белгилаганмиз. Шу ҳақида ҚВП бош шифокоридан тортиб, патронаж ҳамшираларимизгача тиббий кўрик учун шай туришди. Агар ушбу кўриқдан ўтишга бирорта келин келмаса, бунинг сабаби нимада эканини аниқлаймиз ва ана шу хонадонга бориб, қайнона-

сига, керак бўлса, қайнотасига келинида кечаётган касаллик ёки салбий ҳолатларнинг ўз вақтида олдини олиш лозимлигини батафсил тушунтираемиз. Қувончлиси, ҳозир худудимиздаги деярли барча оилаларда тиббий маданият билан боғлиқ тушунчаларга амал қилувчилар сони кўпайди.

Эрта никоҳнинг олдини олиш борасида олиб бораётган тарғибот ишларимиз натижаси ҳам ёмонмас. Бу борада бизга яқиндан ёрдам бераётган кишлоқ врачлик пункти бош шифокори Малика Эралиева ва патронаж ҳамширамиз Зарифахон Тўхтабоева ҳамда туман ФХДЭ ходимларидан мамнунмиз.

Маслаҳатчи зйрак бўлиши керак. Ҳаётни кузатиб, ибратли ва ҳикматли тақдирларни илғаб, буларни бошқаларга тушунтиришга тўғри келади. Оилаларда юзага келиши мумкин бўлган чигал вазиятларни юмшатиш учун бошқаларнинг ҳаётини ибрат қилиб кўрсатамиз.

Маҳалламизда «Ораста қизлар» тўғарагини ташкил этганимиз самарали бўлди. 16 нафар оқила ва фаол қизларимиз бошқа дугоналарини ҳам ўз ортидан эргаштиришди. Улар ташкил этган «Мунис онахонлар», «Жажжи ўғлонлар», «Мустақиллик улуг неъмат» каби байрам тадбирлари маҳалламиз аҳлида катта қизиқиш уйғотди.

**Нигора УРОЛОВА,
«Оила ва жамият» муббири.
Наманган вилояти.
Суратда: Манзура Муртазаева
(чапдан учинчи).**

Орамиздаги одамлар



Бир мухлис “Уларнинг дастури ҳаётий ҳангомаларга анча бой”, деса, бошқа бири: “Билмадим, менга уларнинг айрим хатти-ҳаракатлари бачкана бўлиб туюлади”, деган фикрни айтди. Мухлиснинг кўнглини олиш осонмас, демакки, кулдириш ундан-да мушкулроқ иш. Хўш, бу жиддий ва масъулиятли вазифани саҳифамизнинг бугунги меҳмонлари — “Қаҳқаҳа” гуруҳи аъзолари Тохир РАХИМОВ ва Соҳиб Ҳасановлар қандай уддалашяпти?

“ҚАҲҚАҲА”:

КУЛИШ ОСОН, КУЛДИРИШ ЭСА...

Тохир РАХИМОВ:

— Ҳеч эсимдан чиқмайди, болалигимда хатирчиликларнинг кўпчилиги Эргаш бува деган номни эшитса, бир кулиб кўярди. Ўзининг ичакузди ҳазил-хузуллари билан ҳаммани кулдириб юрадиган ўша инсон менинг падари бузрукворим эдилар. Кўчага чиқиб кетаётганларини кўрсам, дарров тўнларининг этагидан тутиб, мен ҳам эргашардим. Бошланғич синфда ўқиб юрган кезларим “Гулхан” журналида хинд актёри Амитабх Баччаннинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мақолани ўқиб қолдим. Бу мендаги санъатга бўлган қизиқшининг янада кучайишига сабаб бўлди. Орзуимдаги “мен” фақат актёрлик эди. Ўша пайтда болалар адабиётига оид кўплаб асарлар, кейинчалик “Муштум” журнали асосий куролимга айланган. 1986 йилда Тошкент театр ва рассомчилик санъати (ҳозирги Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият) институтининг талабаси бўлганимдан кейин устоз Баҳодир Йўлдошевдан актёрлик маҳорати сирларини ўргана бошладим.

Соҳиб ҲАСАНОВ:

— Бўладиган бола бошидан маълум, деганларидек, иккинчи синфда ўқиб юрган маҳалимда мактабимиз саҳнасининг “юлдузчаси”га айланиб улгургандим (кулади). Биласиз, Бухоро аҳли санъатга жуда шинаванда халқ. Туманимиз миқёсида ўтказиладиган ҳар бир байрамда иштирок этиб, ўзимча қизиқчилик қилишга уринардим. Отам почта соҳасида ишлаганлари учунми, газета ва журналлар бизниқига биринчи бўлиб келарди. Оиламиз катта эди. Ҳаммамиз ўзимизга қизиқарли бўлган саҳифаларни танлаб ўқирдик. Отамнинг бизга хайрихоҳ бўлганлиги жуда қўл келарди. У киши ҳозир 85 ёшга қаршилаётган бўлса-да, хозиргача: «Зиёли одам бир кунда камида эллик варақ китоб ўқиши керак», деган ақидани набираларига бот-бот такрорлайди. Қолаверса, ижодий фаолиятимни ҳам кузатиб, ошқора фикр билдириб туради.

— “Қаҳқаҳа” гуруҳини ташкил этилишига нима туртки бўлган?

С. Ҳасанов:

— Саҳнага олиб чиқилаётган мав-

зунинг тоши, яъни дарди, юки бўлмаса, яхшиси, бошқа касбни танлаган маъқул. Юсуфжон қизиқ, Муҳиддин қизиқ, Рустам қизиқ каби устозларимизнинг ўнгитлари қатъий амал қилган ҳолда, 1995 йили Тохир Саидов (-

Тохир ака:

— Тўппа-тўғри, биз ҳам аслида, шундай хулосага келгандик. Бир қолипга тушиб қолмадикмикин, балки бошқачароқ кўринишларда чиқишимиз керакдир, деб ўйлادик. Лекин устозларимизнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқанимизда, улардан кутилмаган жавобни олдик. Мў



Теша), Фаҳриддин Давронов (Мўмин), Нафиса Хўжакулова (Найзангул), Фарҳод Халилов (Қилич) ўзaro маслаҳатлашиб, ўзбек қизиқчилиги саҳнасида янги лойиҳа яратиш устида жиддий изландик. Шундай қилиб, ўнлаб номлар орасидан “Қаҳқаҳа” танланди. 1998 йили Марғилон шаҳрида ўтказилган “Юсуфжон қизиқ Шакаржонов” номидаги қизиқчилар танловида гуруҳимиз биринчи ўринни эгаллади.

— Албатта, ҳар қандай гуруҳ ўз устида ишламаса, репертуарини узлуксиз бойитиб бормаса, эл орасида обрў тополмайди. Очиғини айтиш керакки, “Қаҳқаҳа” дейилса, кўпчиликнинг кўз олдига бирдангина сизлар — “ота-бола” келади. Балки энди бошқа қаҳрамонлар образини ҳам яратиш пайти келмадимми?

Т. Раҳимов:

— Илкони борица кўрган-кечирганларимиз ва атрофимизда содир бўлаётган воқеалар асосида, қолаверса, шахсан ўзимиз гувоҳ бўлаётган мисоллар асосида обрўлар талқин этишга уриняпмиз. Ҳеч қандай тўқима ёки бўрттирма-нинг кераги йўқ. Ижодимиз оддийлиги, халқчиллиги билан томошабинга яқин бўлишини истаймиз. Албатта, Саид Аҳмад, Уткир Ҳошимов каби сеvimли адибларимиз асарларидан ҳам

Гурунг

фойдаланамиз. Афсонавий кулгу устаси, раҳматли Ҳожибой Тожибоев неча йиллар давомида қандай қилиб минг-минглаб мухлислар эътиборини қозона олди, деган оддий савол, аслида, ҳар бир қизиқчини ўйлантириши керак. Устознинг самимий гапларини эслайлик: «Мен ҳеч нарсани тўқимайман, ҳаётда ҳар куни кўриб, гаплашиб юрган қизиқ гап-сўзларни эшитиб, шу одамларнинг ўзларига бераман, деганлари нақадар ҳақиқат эди!»

Бундан ташқари қизиқчи ёзишни ҳам билиши керак экан. Яқинда бир ёзувчининг олдига ҳамкорликда ишлаш таклифи билан бордик. У киши мақсадимизни билганча, «Ўзларинг яхши ишляяпсизлар-ку, шу йўсинда давом этаверинглар», деди. Тўғриси, бу жавобдан бироз ранжидик. Уйга қайтиб келганимдан кейин ҳам. «Нима учун?» деган савол мени қийнайверди. Охири кўнғироқ килдим. «Табиийликка ҳеч нима етмайди, агар ўзингиз ёзган образни ўзингиз ижро этсангиз, ишонarli чиқади.

Майли, ёзганларингизни тахир қилиб берганимиз мумкин. Лекин оз бўлса-да, қаламингиз бўлса, у ишингизнинг унуми бўлади», деган сўзларни эшитганимда, у киши азбаройи бизнинг фойдамизни ўйлаб тўғри маслаҳат берганини тушундим.

— Бугун ҳар қандай шинавандани оддий гап билан кулдириб бўлмайди. Бунда, албатта, пичинг, қочирим, бироз энгил ёки жаргон сўзлардан фойдаланишга эҳтиёж бор. Бироқ бу борада меъёр сақланмаса, бачканалик кучаяди ва мухлис буни қабул қилолмайди. Ана шу мувозанатни сақлаб туриш қийин эмасми?

Соҳиб ака:

— Бизнинг бошқа халқлардан устун жиҳатимиз аввало, андиша сақлашимиз, биринчи навбатда ёши улғулар хурматини жойига қўйишимиздир. Болалигимизда ноқ шундай миллий муҳитда тарбия топганмиз. Бу бизнинг қонимизга сингиб бўлган. Оила аъзоларимиз — биринчи томошабинимиз. Айтётган сўзларимиз, қилаётган ҳар бир хатти-ҳаракатимиз кизларимиз ёки келинларимизга бироз эриш туюлдими, демек, ўша жойини олиб ташлаш кераклигини дарров илғаймиз. Бемаъни гап эвазига томошабин ҳахолаб кулгандан кўра, мантқили сўздан юзига озгина табассум югурса бас. Ўзлгимизга ярашмаган қилиқ билан ўзимизни кўрсата олмаймиз, барибир.

“Оила ва жамият” муҳбири Барно МИРЗААХМЕДОВА сўхбатлашди.



СИМОБ — тилимизда “оддий температура шароитида суюқ ҳолатда бўладиган металл” маъносини билдирадиган симоб сўзининг туб илдизи “кумуш сув” деган мазмунни билдиради.

Ёниб бўлаётган шам шуъласида шайхнинг мижжаларида ёш томчилари симоб зарраларидай милтираб турарди.

Одил Ёқубов, “Кўҳна дунё”.

ТОВАР — сўзи асли қадимдан ўз сўзимиздир. Қадимги тилимизда айирбошлаш, сотиш учун ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар номини ифода этган бу сўз дастлаб уй ҳайвонлари, мол-ҳол маъносини аңглатган. Кейинчалик бу сўзнинг “бойлик” деган маъноси ҳам юзага келган.

Аммо хотиржам бўлинг, мен сизни товарлардан сикмайман. Иброҳим Раҳим

Оқ товардан кўлагим, Кўк тиканлар илмасин.

Халқ кўшиқларидан

ЗИЖ — астрономик жадвал тилимизда “зиж” сўзи билан ифодаланган. Мирзо Улуғбек жадвали ҳам “Зижи Кўрагоний” номи билан машҳур бўлган. Куёш, Ой ва бошқа йирик сайёраларнинг юлдузлараро ҳаракатини, уларнинг самодаги вазиятини кўрсатувчи жадвал “Зиж” деб аталади.

МАВРИД — бирор ишнинг амалга ошиши ёки оширилиши учун қулай пайт маъносини аңглатган “маврид” сўзининг туб илдизи “манба”, “имкониёт” деган маъноларни аңглатади.

Бу ишни мавриди келганда қилмасанг, қош кўяман деб кўз чикаришинг мумкин.

Журналдан

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

Зулфия таваллудининг 100 йиллигига

МАЛИКАДАЙ УЛУФВОР, ОНАДАЙ МЕХРЛИ

Ён дафтарлар вақти келиб ҳаётининг бир бўлагига, умринг кўзгусига айланиб қолар экан. Сухбатлар, учрашувлар, мушоиралар, анжуманларда дўстларинг, устозларинг, дугоналарининг чехралари ён дафтарнинг саҳифаларидан чиқиб келаверади. Устоз Зулфия билан ёнма-ён ишлаган йилларим, дилдан суҳбатлар, сирлашувлар менинг учун ана шундай ноёб бир тухфа бўлиб қолган. Кундалик дафтаримни варақлайман. Зулфияхонимнинг иссиқ чехраси, самимий сўзлари, аслозда қиёфаси, меҳрибон нигоҳлари жонимга малҳам бўлади.

1982 йил 10 июнь.

Зулфия опа эрталаб ишхонага келиб, беларус шоираси Эди Огнецветдан таржима қилган «Тасаввур этмам» сарлавахали шеърни кўчиртирдилар. Кейин Максим Танқдан ўзлари ўзбек тилига ўгирган «Янка Купала ҳайкали қаршида» шеърини ҳам кўчиртириб, қайта кўриб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига бердилар. Тишлари безовта қилаётган экан, боққа бориш олдинда докторга борсаммикин, деб отландилар. Озгина дам олай, мана бу кунлар (пушкинхонлик) мени анча толиқтирди, дедилар. Зулфия опа ҳар куни боғдан тарамтарам чиройли олимларни саватчага солиб, биз учун олиб келардилар. Бизни хурсанд, бахтиёр, чиройли кўрсалар, суюниб, мактаб, кўнгиллари тўлиб, хурсанд бўлиб юрардилар. Кўп шеърларини сахарда ёзганларини айтардилар. Аслида Зулфия опа куш уйку эдилар. Кўпинча уйку дори билан ухлардилар. Яхши ухлмасалар ҳам доимо ўқтам ва кўркем қиёфада ишга келардилар»

— Маним барча дардларим, кайғуларим — ҳаммаси уйда қолади. Гостонадан қадам босиб чиқишим биланоқ мен бошқа Зулфияга айланаман, — дердилар.

Бетобликларини, нохуш кайфиятларини атрофдагилар сезишини хоҳламасдилар.

Зулфия опа андак ғамгин, нохуш кўринсалар, биз дарров Ҳамид Олимжондан сўз очардик. Унинг шеърларини ёд айта бошласан, Зулфия опа Ҳамид Олимжон шеърларидан ёд айтиб, суҳбатимизни кизитардилар, кайфиятлари кўтарилиб, жаннатмақом шоиримиз Ҳамид Олимжон ҳақида яйраб-яшнаб сўз очардилар. Бир куни ёзувчи Саъдулла Смиёвнинг «Сарвиноз» ҳикоясини тайёрлаб олиб кирдим. Зулфия опа ҳикояни ўқиб маъқуладилар. Ундаги йигит образининг нимасинидир Ҳамид Олимжонга ўхшатган эдилар. У киши ширин хотирага берилдилар:

— Биз Ойдин опа (ёзувчи Ойдин



Собирова) ва Ҳамид Олимжон билан бирга театрга ёки учрашувларга борсак, у кишига эшиттириб: «Ҳозир Ҳамид Олимжон эшикни очиб, бизни ичкарига ўтказиб юборардилар... Ҳозир Ҳамид Олимжон пальтоларимизни кийдириб қўядилар...», дер эдик. Ҳамид Олимжон ёш боладай қувониб, оппоқ тишлари чараклаб куларди-да, бизни олдинга ўтказиб юборар, пальтоларимизни кийдириб қўярди. Одамлар Ҳамид Олимжондай мағрур йигит шунчалар мулоҳим тортиб, гапга кирадиган бўлиб қолганига ҳайрон бўлишарди...

Қиш кунлари эди: Яхмалак отишга чиқдик. Ўшанда Хулқар туғилишига озгина қолган. Яхмалак учай десам, учолмайман. Шунда Ҳамид Олимжон, қани, хоним, ўтиринг, менинг пальтоимдан ушланг, мен сизни чана тортгандай яхмалак учираман, дер эди. Қийқириб, шодон бўлиб яхмалак учар эдик. Ҳамид Олимжон жуда меҳрли, сезгир ва ниҳоятда топқир инсон эди. Бир куни зиёфатга бордик. Баланд пошнали туфли кийиб олганман. Юришга қийналаман. Қайтаётганимизда юриш яна ҳам машаққат бўлиб кетди. Шунда Ҳамид Олимжон, қани, хоним, туфлингизни ечиб менга беринг, мана буни кийиб олинг деб, туфлисини ечиб оёғимга кийдириб қўйди. Мен Ҳамид Олимжоннинг катта туфлисини кийиб, у эса ялангоёқ уйга қайтганмиз...

Ойдин ҲОЖИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири

Ҳаётининг бу қувончли, завқли лаҳзаларини у кўзлари ёниб, юзлари ёришиб, худди ўша ҳолатни қайта бошидан кечираётгандек ҳузурланиб сўзларди. Балки, мана шу лаҳзаларнинг сўнмас ёди Зулфияга то сўнги нафасигача куч-қувват, мадор, сабр-тоқат бергандир...

Зулфияхоним дўстларига, устозларига, яқинларига ниҳоятда меҳрибон ва садоқатли эди. Уларнинг қийин-қаттиқ кунларида, яхши-ёмон лаҳзаларида ёнида бўлишни, кўнглини кўтаришни яхши кўрарди.

1984 йил 14 сентябрь.

Ойбек таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан Наим Каримов опанинг ҳузурига келганида, Ойбек ҳақида суҳбат бўлди. Зулфияхоним Абдулла Қаҳҳор, Ойбек ва Шайхзодаларни ниҳоятда ҳурмат қилар, ўзларини уларга шогирд ҳисоблар, эҳтиром билан улардан сўзларди. Ойбекнинг сўнги сафари ҳақида сўзладилар. Суҳбатнинг бир учи Шайхзодага уланди.

— Шайх аканинг вафоти менга қаттиқ таъсир қилди. Бордим. Сакина хоним маҳзун бўлиб қолган. Шайх акага тикилиб бутун фикр, бутун даҳолик унинг пешонасига йирилганми, деган хаёл ўтди. Ҳайратга тушдим ўшанда. Муздек пешоналаридан ўпдим. Бетобликларидан саватчага чиройли мевалар териб, Шайх акага юбориб турардим. Жуда меҳрибон аёл экансиз, деб ёзган хатлари бор. Агар умрим етса, ўша хатга жавоб ёзаман. «Кечиккан мактуб» бўлади сарлавахаси. Ажабо, доно одамларнинг ақли шу ерга (пешонага) йиғилар экан-да. Одамлар ўлгандан кейин энг ноёб нарсамизни йўқотганимизни билиб қоламиз, — дедилар Зулфия опа ўқич билан.

Зулфия опа қардош мамлакатларда, жаҳоннинг барча давлатларида катта анжуманларда қатнашар, минбарларда сўз айтар, шеър ўқирди. Ҳамиша ёнларида Шарқнинг буюк олимларини, шоирларини азим чинордай уни паноҳида олиб юришарди. Фафур Фулом, Мирзо Турсунзода, Мустан Карим, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир... Уларни Зулфияхоним катта оғаларидай ҳурмат қилар, эъозлар, муҳаббат ва эҳтиром тўла сўзлари билан алқар эди.

Ўзи улуғларга ҳурмат кўрсатиб, иззатини жойига қўйган одамларгина эл ичра обрў-эътибор, шону шухрат топадилар ва шогирдларининг меҳри, соғинчида яшайдилар. Зулфияхоним ҳам ана шундай буюк устоз мақомига эришган, шону шухрат аршига кўтарилган ва мангуликка даҳлдор бўлиб қолган ёрқин сиймолардан биридир.

Биласизми?

ДАЗМОЛЛАШ СИРЛАРИ

Дазмолланган кийимлар ўзининг кўркемлиги, жилоси билан кўзга чиройли кўринади. Уларни дазмоллашда матоларнинг хусусиятлари эътиборга олиниши, яъни, пахта, зигир, жун толаси, табиий ва сунъий ипаклардан тўкиб, тайёрланган кийимларнинг ҳар бирига ўзига хос ҳарорат мослаштирилиши керак.

Дазмол тахтасидан фойдаланилса, кийимлардаги гижим бир текисда ёйилади. Дазмол ҳеч қачон кийим устида қолдирилмаслиги керак.

Кимёвий толали матоларга унчалик қиздирилмаган, табиий ипак ва жун матоларга эса яхшилаб қиздирилган дазмол босилади. Пахта ва зигир толасидан тайёрланган матолар эса нам ҳолатида (ювилгандан кейин яхши курирмай) ёки сув пуркаб дазмолланади.

Чойшаб, дастурхон каби буюмларга ўнг томондан, кашталиқ жойларига эса орқа томондан дазмол босилади. Сўнг бироз тахлаб қўйилади. Крахмалланган матолар унча юқори бўлмаган иссиқлик ҳароратида дазмолланади.



Иссиқ ҳароратда жун матоларнинг юзаси ялтираб қолмаслиги учун намланган юпка оқ мато (юпка сурп ёки икки қават дока) билан дазмоллаш мақсадга мувофиқ. Шойи матолар эса тескари тарафидан ёки устига пахта толасидан тўқилган мато қўйиб дазмолланиши керак.

Агар кийимларнинг чоклари, қалин жойлари дазмолдан кейин ялтираб қолса, уни йўқотиш учун ўша жойни хўллаб сиқиб, аввал ўнг, кейин орқа томондан бир муддат буг устида ушлаб туриш лозим.

Астарлик матолар (сатин, саржа ва шу қабилар) нам ҳолатида дазмолланса, уларнинг сифатига путур етади. Шу боис яхши куриштиб, сўнг дазмоллаш керак.

Ипак, трикотаж кийимлар дазмолланмагани маъқул. Агарда жуда зарур бўлса, тескари томондан ёки устига мато қўйиб, илқикроқ ҳароратда, енгил дазмоллаш мумкин.

Бахмал ва шу каби тукли матолар эса ёстиқ устига қўйилиб, ёки осиглик ҳолатида дазмолланади.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қунидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 3 ой (2 ойи ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирнок, киприк ўстириш ва дипелляция — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).
Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо кути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона.

МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ҲИКМАТЛИ ДУНЁ

Одамлар қанчалик оз билсалар, уларнинг билимлари ўзларига шунчалик қўлмалли туюлади.

Ж.Ж. РУССО

ЭЪЛОН!

25.07.2013 йилда Нормурзаев Абдуғаппар Абдуллаевич номига шаҳар йўловчилар транспортда бепул юриш ҳуқуқини берувчи №002696-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«NA'F» хусусий корхонасига берилган 2162/1233-сонли лицензия битими йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

....Рашид ака шу пайтгача чорраха деган майдонни ҳамма қатори тушунарди: иккита йўлнинг кесишган жойи, тўрт томондан ҳам машина келиши мумкин. Лекин бундоқ ўйлаб кўрса, чорраха дегани сир-синоатнинг қони экан. Одамнинг ҳаёти ҳам нуқул чорраҳадан иборатга ўхшайди.

Қаранг, светофор деган матоҳ бутун бошли йўлни бошқаради. Қизилида тўхтатади, яшил ёнса — йўл беради. Қизиги шундаки, унинг измидан сал чиқсангиз... ҳеч бўлмаганда ҳайдовчилик гувоҳномагиздан айриласиз ёки бир йиллик ойлик маошингизни бериб қутуласиз.

Чорраха деган жой, агар эътибор бериб қузатсангиз, гоҳида шифохонага ўхшаб кетаркан. Рашид ака ҳам бу гапга илгарилари кулиб кўярди. Лекин бундай синчиклаб қараса, тўрт томондан келаётган машина ҳайдовчилари ва йўловчиларнинг туришига, ҳаракатига қараб, уларнинг ҳамма иллатини аниқлаб олса бўларкан.

Помидорга тўла яшиқлар ортилган, урилавериш ола-кула тус олган эски "Жигули" светофор остидаги белгидан анча олдин тўхтади. Унинг тезлик олиши қийин, газни сал пайсайтирса, ўчиб қолади, ҳалоқат чироғи ишламайди, бир дақиқа тўхтаб турса, балога қолади, сигнал беришса-ку, майли-я, орқадагилар ҳам, ёнидагилар ҳам сўка бошлайди. Буни ҳайдовчи билади, чунки бундай ҳолатга кўп марта тушган. Шу сабабли газни босиб-босиб кўяди.

Анави "Малибу" ҳайдовчиси бойвачча ёки бирор амалдорнинг ўғли бўлса керак, боши руль билан барабар кўринади. Кўзлари ўйнаб турибди, иложи бўлса, учиб ўтса чорраҳадан. Светофор остидаги чизикдан ҳам ўтиб, машинани кўпқарига чопётган от каби қишнатади.

Оқ "Нексия" эгаси эса кулоғидаги ускуна орқали телефонда ким биландир гаплашяпти. Бир қўли рунда, иккинчи қўлини силтаб, ниманидир тушунтираяпти. Унинг учун чорраҳадан ўтиш эмас, телефондаги саволга жавоб бериш муҳимроқ.

Рашид ака эса рулни бошқараётган ўғлининг ёнида ўтириб, атрофни қузатади. Бунча бетоқат бўлмаса бу одамлар? Шошма, галинг келса, яшил чироқ ёнса ўтасан, борарсан ўша манзилнинг. Анави йигитнинг қилгичини қаранг, машина ойнасини очиб, радионинг овозини шундай баландлатиб қўйганки, чорраҳанинг тўрт томонига ҳам эшитилади. Ашуляям арманчамийей, инглизчами-ей, тушуниб бўлмайди. Анави чиройли "Спарк"да ҳайдовчи ёнидаги аёл унинг хотинига ўхшамайди. Орқа ўриндиқда ўтириб, ҳайдовчининг бўйнидан қўлини ўтказиб олган, тагин атрофга ўғри мушқдай олазарак қараб кўяди. Бирорта таниш кўрмасин, деяётган бўлса керак-да. Қора "Ласетти"нинг ҳайдовчиси эса фақат тўғрига қарайди, киприк қоқмайди, ёнидаги раҳбарнинг хаёл суришига халақит беришдан қўрқади. Раҳбар ҳам олдинга қараб, бир нуқтага тикилиб, хаёлини бўлгиси келмайди, ким билади дейсиз, ўзига топширилган ишнинг тархнини тўзиб кетаяптими, ё бораётган манзилда уни қанақа қутиб олишларини ўйлаяптими, ишқилиб, атрофдагилар билан иши йўқ. Эҳтимол, бунақа чорраҳалардан яна ўнтасидан у шу кайфиятда ўтиб кетар...

Бундай ўйлаб қараса, ҳақиқатан ҳам чорраха машинанинг қанақалигини эмас, балки ҳайдовчининг қилгичини кўрсатаркан. Рашид ака шу ёшга кириб, умри ҳақида, ҳаёт чорраҳалари ҳақида ўйлаб кўрмаган экан.

Туриш-турушимизнинг ўзи чорраха — юрганда, гапирганда, бордикелдида, қўйингки, қимирлаганда ҳам

чоррахага дуч келамиз. Фақат бу муносабатларда светофор ўрнида маданият, виждон туради. Фақат у ўчиб ёнмайди, ранги йўқ.

Рашид ака шу ҳақда ўйлаб бораркан, кўп ўтмай, ана шу чорраҳадаги воқеалар ўзининг ҳаётини остин-устун қилиб юборишини хаёлига ҳам келтирмасди...

Рашид ака ўша куни биродарининг нахор ошидан таксида қайтди. Орқа ўриндиқда уч киши — ўрта ёшли эркак ва эр-хотин ўтиришибди. Ҳайдовчи ниҳоятда сўзамол йигит экан, йўл-йўлакай дилини очиб, сўхбатлашиб келди. Ҳайдовчи ҳам, йўловчилар ҳам ҳазил-мутойибага шу қадар берилиб кетишдики, машинанинг чап томони-

ердаги ишларни ҳал қилгач, бориб хабар олишини айтди.

— Кўйсангиз-чи, фалокат-да бу, қолаверса, йўл сизники эди, ҳали қилмиши учун жавоб беради бу бойвачча, кўнглингизга олманг.

Ҳа, Қодир таксичига осон бўлмади. Машинани таъмирлаб бўлмайдиган аҳволда. Ҳеч қимми йўқ шекилли, ҳали ЙПХ нозирига, ҳали ўзининг йўловчиларига, ҳали тўпланган кишиларга дарди-ҳасрат қилади. Гоҳ шиллинг биланини ушлайди, гоҳ оғриётган чап оёғини базўр босади:

— Эрталаб ҳам машинани шунақа тез ҳайдайди? Худо ҳақки, кўрмай қолдим. Урган жойига қаранг, қамида юз тезликда келган бу. Чорраҳада ҳам шунақа ҳайдайди?

Тақдир чорраҳасида светофор йўқ.



Фармон ТОШЕВ

дан нимадир келиб урилганида бир-варакайига додлаб юборишди...

Эрталаб бўлгани учун йўлда транспорт катнови сийрак. Ё тавба, чорраҳада қандай пайдо бўлди бу қора рангли хориж машинаси?! Светофорда ҳам яшил чироқ ёниб турганди. Ёнидан урилган машина, хайриятки, ағдарилмади, бироқ икки-уч айланган, кўча ёқасидаги бетон устунга келиб урилди. Ваҳимага тушган йўловчилар бир лаҳза жимиб қолишди. Бунинг устига, атрофда ҳеч ким йўқ.

Хайрият, барчаси тирик қолди. Орқада ўтирганлар зарбдан бериб лат ейишди. Ҳайдовчининг чап оёғи қисилиб қолган экан, бир амаллаб чиқариб олишди.

Қора машинадан тушиб келган барваста қоматли, олифта кийинган йигит дастлаб саросимада ҳаммадан ҳол сўради, бирдан такси шофёрига ўдағайлаб кетди:

— Пул ишлайман деб, қизил чироқда ҳам ўтаверасизми, оғайни, кўзга қараш керак, ахир ўтин ташимаясиз, одам олиб кетаясиз-ку!

Ўз жони билан овора, боши, қўлоғини ушлаб, жавраб турган йўловчилар бир-варакайига:

— Йўл бизники эди, қаердан пайдо бўлдинг, номард?! — деб юборишди. — Тагин пешгирликка бало борми?!

Бирпасда йўл-патруль хизмати ходимлари келишди, атрофда осмондан тушгандек тумонат одам тўпланди.

Маълум бўлишича, қора машина ҳайдовчиси тадбиркор экан. Зум ўтмай, телефонда "одам"ларини чақириб олди. Воқеани ҳар ким ўзича шарҳлайди, ўзича хулоса қилади. Таксичи йигит орқада ўтирган эркак ва эр-хотинни йўловчи машинага миндириб, шифохонага жўнатар экан, улардан кўнглисизлик учун узр сўради, бу

Ҳар ким ўзича ўтади ундан, ҳар ким ўз жонини аяйди. Шу сабабли бу гал таксичига тақдир шафқат қилмади...

Эрталаб касалхонага йўловчиларни кўргани бориб, ҳафсаласи пир бўлди. Қора машина эгаси аллақачон уларнинг кўнглига йўл топиб улгурган экан. Эр-хотинлар «Икки миллион сўм берсангиз, яшил чироқда ўтди, деб айтаман», дейишди. Соғлиқларини тиклаши учун шунча пул керак экан. Кечагина соппа-соғ юрган Рашид ака (у ҳайдовчининг ёнида ўтирган, бўлган воқеани ўз кўзи билан кўрган эди) ҳам эрталаб шифохонага ётди.

— Йигирма йил машина ҳайдаганман девдингиз, ахволимни тушунарсиз...

— Чорраха нозик жой, ука, уёқ-буёққа қараб ўтиш керак. Энди фақат техник экспертизадан умид қилинг. Қора машина эгаси удабуронга ўхшайди. Мелиса билан жиддийроқ гаплашинг.

Хуллас, Қодир таксичи судда ютқазди. Иккала томон ўз машинасини таъмирлаш керак, деган хулоса берилди. Эр-хотин ҳам, Рашид ака ҳам аниқ бир гапни айтишмаса-да, такси яшил чироқда ўтганлигини тасдиқлашмади.

Таксичига алам қилди. Суддан чиқиб, Рашид аканинг олдига келди.

— Раҳмат, ака, яхшиям йигирма йил машина ҳайдаган экансиз, кўзингиз яхши кўрар экан!

Ониги, Рашид ака ўзини ноқулай сезса-да, бу пичинг унга ёқмади.

— Тақдир-да, оғайни, бошқа гал чорраҳадан хушёрроқ ўтасиз.

— Тақдир эмиш, виждон-чи, ака, виждон нима бўлади?! Мабодо мен оғайнингиз ёки танишингиз бўлганимда, бошқача кўрғазма берардингиз-ку-я. Майли, ака, пешонамда бор экан. камбағални от устида ҳам ит копади, деганлари шу бўлса керак...

Тўқилмаган ҳикоя

... Ўша куни Рашид ака ўғлига аммасини олиб келишини айтди.

— Зеркиб ўтирган бўлса керак, янги машинага миндириб келақол.

... Чорраҳага келганда Фафурнинг кўзи чалғидими, ишқилиб, қизил чироқда йўл ўртасига келиб қолганини билмади. Ён томондан келаётган юк машинаси шофёри тормоз босишга ҳам улгурмади. Бехосдан урилган зарбнинг зўридан Фафурнинг бўйин томири узилиб кетди. Бир томчи қон чиқмай, бояқнинг жони узилди...

Бор гап шу. Буни тасодифий, кўнглисиз ҳолат деймиш. Ирим-сиримга ишонадиган, қолаверса, "қайтар дунё" нима эканини яхши билгани учун Рашид ака бу ҳолатни бошқача тушунди. Чунки бу воқеа ролпа-роса бир йилдан кейин, тагин айнан ўша чорраҳада рўй берди.

Рашид ака аслида намозхон эмас. Маъракаларда қайта-қайта эшитган бўлса-да, ҳалигача бирорта сурани ёддан билмайди. Бу ишни у фақат муллаининг иши деб билган.

Аммо уч кундирки, қалбидаги оғир изтиробни кўтара олмай, ўзича тиловат қилади, Худодан кечирим сўрайди. Хотинига билдирмайди, бироқ ўғли Фафурнинг ўлимида ўзини айбдор ҳисоблайди:

— Осий бандангни кечир, эгам, оталик қилолмадим, юрагим эзилиб кетаяпти. Қандай яшайман энди?..

Таъзияга келганлар Рашид акага далда беришади:

— Қисмат экан, биродар, сабр берсин, Худонинг иши бу.

Ҳа, Худонинг иши. Ўша номардлиги учун Худо кўрсатди унга. Ёлғиз ўзига аён бу. Сўхбатдоши қаёқдан билсин буни.

— Фалокат-да, ака, ким билибди дейсиз?..

О, бунча тирнамаса қалбини бу одамлар! Ким билибди, дейди-я. Тўғри, ҳеч ким билмайди, сиз ҳам билмайсиз. Лекин мен билман, мен! Фақат шу фалокатга ўзим сабабчи бўлишимни билмай қолдим, гафлатда қолдим, гафлатда!

Бироқ ҳамдардлик билдиргани келганлар отанинг ички ноласини эшитмайди, сезмайди ҳам. Фарзандидан айрилган отага осон эмас, деб ўйлашади, холос.

Маъракалар ўтиб, одамлар сийрақлашган, Рашид аканинг дарди баттар кўзгади. Ҳатто йиғлавериб, кўзида нам қолмаган хотинининг ҳам унга раҳми келди:

— Нима қиламиз, отаси, тақдир экан. Одамлар билан гаплашиб, дардингизни тарқатинг. Бу аҳволда адоий тамом бўласиз.

«Эҳ, хотинжон, нимани ҳам билардинг, эринг бундан бир йил аввал адоий тамом бўлган эди, — дейди Рашид ака ичида. — Ўша куни тақдиримга бу ҳукм ўқилган экан. Мен нодон, мен аҳмоқ буни англамабман». Нега ўшанда бундай қилди? Бор гапни айтса бўлмасмиди. Наҳотки ўша таксичининг кўнглидаги гап амалга ошган бўлса?

Эҳ, бу ҳаёт деганининг чорраҳалари бунча кўп, бунча сирли бўлмасая? Ҳатто қимирламай ётган одам ҳам бу чорраҳани четлаб ўтолмайди. Йўл берсанг ҳам, бермасанг ҳам, албатта, бировга тўқнаш келасан, албатта, кимнингдир кўнглини қолдирасан.

Рашид ака учун тақдиринг бу оғир синови сабоқ бўлди, унутилмас сабоқ бўлди. Унинг олдида ҳали яна кўп чорраҳалар турибди. Мухими, у муносабатлар тўқнашуви чоғида виждон чироқларининг рангини англашни ўрганди.



ШОКОЛАД-ГИЛАМ


Газетамизнинг аввалги сонидан сиз гуллардан "тўқилган" гилам ҳақида ўқиб, гойибона завқланган эдингиз. Ҳўш, шоколадли гиламга нима дейсиз?



Ҳа, тиниб-тинчимас ижодкорлар ўзларининг ғаройиб "шедевр"лари билан одамларни хайратга солишда давом этади. Ине Ван Ден Элсен (Ine Van Den Elsen) исми-шарифли рассом Голландиянинг Слокдарм шаҳрида бўлиб ўтган озиқ-овқатлар фестивалида ўзининг шоколад батончаларидан тайёрланган антика "гилам"ини намойиш этди. Унинг гилами "Марс", "Сникерс", "Твикс" ва бошқа оммалашган брендга эга шоколадлар жамланмасидан ясалган.

МЎЙҚАЛАМ ЎРНИДА ДАЗМОЛ?

Эркин ижод билан шуғулланувчи мана бу рассом йигитнинг исми Филипс. У ҳам ўзининг нотабий сурат



намуналари билан оммани таажжубга солишни мақсад қилган. Гап шундаки, Филипс ўз асарларини оппоқ чойшабга киздирилган оддий дазмол ёрдамида "чизиб" чиқади. Йўқ-йўқ, чойшабни куйдириб эмас... У чойшабни шундай дазмоллайдики, унда ҳосил бўлган турли бурчакли букламалар эвазига машхур санъат асарларининг нусхалари пайдо бўлади.

ЁНАР ЙЎЛ

Голландиянинг Шимоллий Брабант қишлоғида ажойиб велосипед йўли ётқизилган. Унинг кўчга хослигини кўриш учун фақат кечкурун, қоронғу тушганда сайр қилиш керак. Маҳаллий дизайнер Дан Розегарде (Daan Roosegaarde) ушбу велосипед йўлининг ёриқчалари орасига махсус ёритиш элементлари ва светодиодларни маҳорат билан жойлаштириб чиққан. У фақатгина гўзал ёғдулар сочиши билан эмас, балки тунда сайр қилишни хуш кўрувчи велосипедчилар йўлини ёритиб туриши билан ҳам фойдалидир. Дарвоқе, буюк мусавир Ван Гог ҳам айнан мана шу Брабант қишлоғида тутилган. Унинг "Юлдузли тун" картинаси нимаси биландир худди мана шу йўлни эслатиб юборади. Ёки ақинча, ушбу йўл унинг машхур асарини...

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.



ЯНГАЛАРНИНГ ҚИЛИҒИ КЎП

Оилада икки ўғил, бир қизмиз. Отам ёшлигимизда автохалокат туфайли вафот этган. Кенжа акам уйланганидан сўнг, онам ҳам оғир касалга чалиниб, оламдан ўтди. Мен катта акамникида яшай бошладим. Акаларим кун бўйи ишда, мен эса уйдаман. Рўзгордаги юмушлар менинг зиммамда. Лекин арзимаган баҳона билан янгаларим ҳар доим ишларимдан хато топиб, мени ғийбат қилишади. Бу ҳақда акаларимга бир неча марта айтдим, қайда, улар ҳам парво қилишмади. Шундай пайтларда онамнинг ўрни каттиқ болинади. Ўтган йили кўшни қишлоқда яшовчи бир йигит билан танишдим. Бундан хабар толган катта келиноийм куёв тарафдан келган аёлларга мени роса ёмонлабди. Ҳатто жиянларим ҳам мени амма ўрнида кўришмайди. Буларнинг мақсади нималигини ҳалигача тушунмайман.

Ёшим 27 да. Яқинда эшитиб қолдим, янгаларим ўзларича тил бириктириб, мени хотини оламдан ўтган, икки болали, ўзимдан ўн беш ёш катта эркакка узатмоқчи экан. Газетангизнинг ҳар бир сонини ўқиб бораёяман. Илтимос, ёшимга мос инсон билан бахтим бутун бўлишида ёрдам берсангизлар.

ЗИЁДА,
Сирдарё вилояти.

БУВИМНИНГ АЙТГАНИ БЎЛДИ

Ёшлик қилиб, ўзимга ортиқча бино қўйиб, уйимизга келган совчиларни қайтараверибман. Бувим раҳматли хавотирланиб: "Танлаб-танлаб тозисига учрамасанг бўлди-да", дерди. Мен эса: "Қишлоқнинг энг олди йигитига турмушга чиқаман", деб қулиб кўярдим. Аммо менинг эмас, бувимнинг айтгани бўлди. Юриб-юриб, 27 ёшимда қўлида бирор касб-хунари йўқ, ювошгина йигитга турмушга чиқдим. У билан етти йил бирга яшаб, шунча йил рўзгорнинг аравасини ўзим тортдим. Тирикчилик қилиш учун елиб-югурдим. Қорнимдаги ҳомилама саккиз ойлик бўлгунича бозорда савдо-сотик қилдим. У пайтларда бозорда ҳозиргидек шароитлар йўқ, ҳаммаёқ очик айвон бўларди. Айниқса, қиш кунлари жуда қийналардим. Фарзандим туғилганидан кейин ҳам эрим рўзгор учун ҳаракат қилай демеди. Чақалогим кетма-кет касал бўлавергач, охири уни опамда қолдириб, хорижга ишлагани кетдим. Эримнинг ноинсофлигини қарангки, "Кетма, болани ўзим боқиб оламан", дейиш ўрнига, "Менга ҳам пул юбориб тур", деса бўлади. Хорижга бориб, ишга жойлашиб олгач, уни ҳам ёнимга чақирдим. Аммо икки ойдан сўнг оғир меҳнатдан қочиб, қайтиб кетди. Тагин уялмай-нетмай, бир йил давомида опамга юборган пулимдан бир қисмини оларди. Хорижда соғлигим ёмонлашиб, уйга қайтганимда, у мени қабул қилмади. Қизимни бағримга босиб, опамникига қайтиб бордим. Жиянларим, поччам кўнглимга қараб, мени даволатишди. Уларга ортиқча юк бўлиб яшаш ўзимга нокулай. **Ёшим 37 да.** Қизимдан ўз оталик меҳрини аямайдиган, меҳнатдан қочмайдиган инсон бўлса, турмуш қуриш ниятидаман.

САБОҲАТ,
Тошкент вилояти.

ҲАЛИЯМ КЕЧ ЭМАСДИР

Касбим шифокор. **Ёшим 42 да.** Тиббиёт институтини тугатиб, ишга жойлашганимдан сўнг 29 ёшимда турмушга чиққан эдим. Орадан бир йил ўтиб, хомиладор бўлдим. Ҳомилама уч ой тўлганида инфекциянинг оғир тури сабабли нобуд бўлди. Ўзим шифокор бўлганим боис ҳўжайинимни ҳам текширувлардан ўтишга кўндирмоқчи бўлдим. Аммо у бундан бош тортди. Яна икки марта хомилама туғилмай, нобуд бўлди. Охири бунинг сабабини аниқладим. У менга уйланмасдан аввал хавфли хасталикни юқтириб олган экан. Шундай бўлса-да, фарзанд кўриш умидида яшаб юравердим. Тиббиётдаги барча усулларни қўладим, афсус, ниятимга етолмадим. У билан қонуний ажрашганимдан сўнг бошқа турмуш курмадим. Аммо онам: "Тоқ ўтмагин, охири хайрли бўлмайди", деб қўймапти. Шу боис сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Мени тушунадиган, зиёли, фарзандлари бор, уйли-жойли инсон бўлса, уйимдагилар узатишмоқчи.

ГАВҲАР,
Тошкент шаҳри.

"СОТКА КАСАЛИ" ЁМОН ЭКАН

Биринчи аёлим Чарос билан телефон орқали танишганимиз. Мен дўстимга кўнғироқ қилмоқчи бўлиб, битта рақамга адашибман. Орадан беш дақиқа ўтгач, кўнғироқ бўлди. Чароснинг мулоийм овозини эшитиб, юрагим хаприкчиб кетди. Телефондаги суҳбатлар дийдорлашувга айланди. Орадан уч ой вақт ўтгач, Чаросга уйландим. Мен оилада ёлғиз ўғилман. Икки синглим бор. Чаросни онам жуда катта орзу-хаваслар билан келин қилганди. Аммо онамнинг ниятлари ушалмади. Чарос "сотка касалига" йўлиққан экан. Қачон қарамай, қўлидан телефон, қулоғидан наушник тушмайди. Эрталабдан дугоналарига кўнғироқ қилиб, қандай либослар урф бўлаётгани ҳақида маслаҳатлашса, опаси билан суҳбат давомида сингилларимни ғийбат қилади. Бир куни қайнонамга онамни ёмонлаётганини эшитиб қолдим. Уйдаги гапни кўчага олиб чиқмаслигини, акс ҳолда, бу одати ёмонлик билан тугагани тайинладим. Аммо у сўзларимни қулоғига олмади. Телефон кўнғироқлари саҳардан шомгача ҳам тинмасди. Шу сабаб иккимизнинг ўртамазда низо чиқа бошлади. Ишдан келсам, олдимга овқатни тақ этиб кўяди-ю, кимларгадир телефондан SMS ёзиб ўтириверади. Онам ҳам унинг бу одатидан чарчади. Бир куни Чарос билан каттиқ жанжаллашиб қолдик. Шу баҳона бўлди-ю, араблаб уйига кетиб қолди. Онам олиб келиш учун борса, қайнонам ҳақорат қилибди. Оила масъулиятини ҳис қилмайдиган бундай хотин билан фарзандли бўлмасдан аввал қонуний ажрашишга мажбур бўлдим. **Ёшим 26 да.** Тузуқкина жойда ишлайман, топиш-тутишим яхши. Олий маълумотли, оқ-қорани таниган, кенг феълли, муҳими, ўз оиласи тинчини ўйлайдиган қиз билан оила қуриш ниятидаман.

НОСИР,
Қашқадарё вилояти.

УЯТ ҚИММАТГА ТУШДИ

Қизим Гулшода 14 ёшга тўлганида тўсатдан қорнида кучли оғриқ бошланди. Болалар шифокорига олиб борсам, гинеколог кўригидан ўтишимни маслаҳат берди. Бундан йигирма йил аввал қиз болаларни гинеколог кўригига олиб бориш уят ҳисобланган. Шу боис бу ишни пайсалга солдим. У ҳар гал ҳайз кўрганида кучли оғриқдан ётиб қоларди. Мен эса унга оғриқ қолдирувчи дорилар берардим. Гулшоданинг организми дори ва уколга ўрганиб қолди. Ҳатто камқонликни ҳам орттириб олди. 18 ёшида уни турмушга узатдик. Фарзандли бўлавермагач, шифокорга олиб бордим. Текширувлардан сўнг шифокор "Ҳар икки тухум хужайрасида ҳам жиддий ўзгариш бор. Бу ҳолатда хомиладор бўлиши қийин. Афтидан касали анча илгари бошланган, дардни ўтказиб юборган кўринади", деб айтди. Қайсидир газетаяда қизлар организми 20 ёшдан кейингина оналикка тайёр бўлиши ҳақида ўқиб қолгандим. Шу боис қутишга қарор қилдик. Қизимни тинчлантирдим. Қиз болани оналикка туғилганиданок тайёрлаб бориш кераклигини тушуниб етганимда кеч бўлганди. Гулшоданинг тухумдонидан яширин киста қутилмаганда тез ривожланиб, унинг аҳволи оғирлашиб, шифохонага тушиб қолди. Қизимнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун шифокорлар ҳар икки тухумдон ҳамда найларини олиб ташлашига тўғри келди. Шундан сўнг у фарзандли бўлолмаслигини билгач, руҳий жиҳатдан анча эзилди. Бир амаллаб уни ҳаётга қайтардик. Унинг фарзандли бўлолмаслигини билгач, куёвим ажрашишга қарор қилди. Қизимнинг ёши 34 да, қўлида гулдай хунари бор, сариштали, одобли. Уни тушунадиган, кадрлайдиган йигитга турмушга узатиш ниятидаман. Қайси вилоятдан эканигининг фарқи йўқ. Муҳими, бахтли яшашсин.

МУЯССАР,
Самарқанд вилояти.

Халқимиз ҳамisha хонадон шаъни, оила кўрғонини кўз қорачигидай асраб-авайлаб, уни бегона кўзлардан, ноҳож сўзлардан пана қилиб келган. Момоларимиз жуфти ҳалолнинг кўзига тик қарашни беҳадлик, боболаримиз аёлга кўл кўтаришни номардлик ҳисоблаб, ҳамisha бир-бирларининг кадрини баланд тутиб, ҳурмат-иззат қилиб яшаганлар.

На доматлар бўлсинки, бизнинг давримизга келиб, қон-қонимизга сингиб кетган миллий кадриятларимиз, урф-одат, тамойилларимиз айрим хонадонларда дарз кетгандек гўё. Бугун баъзи аёллар кўлини белига тираб, жуфтига ўқрайган, шангиллаган, айрим эркаклар эса газабини жилволай олмай, аҳли аёлига кўл кўтарган... Ўртада кўнгли синик, нигоҳлари мунгли гўдаклар сарсон, ота-она, қавм-қариндош, кўни-кўшни, маҳалла ҳайрон. Муқаддас никоҳини асрамаган, оила масъулияти, ота-онани, фарзандларидан хижолат чекамаган эр-хотин суд-хуқук идораларида бир-бирининг устидан арз қилиб, икки томон ҳам маломат тошларини отиб юрибди...

Юнусободлик Жамшид ва Ситора (исм-шарифлар шартли равишда ўзгартирилган) ҳам муқаддас оилавий ришталар ҳурмати, кадр-қиймати га доғу тотириб, хуқуқий маҳкамда душман қиёфасида тўкнаш келдилар. Бу оғриқли ҳолат арзимас гапсўз туфайли юзага келгани эса жуда ачинарли. Ситора меҳмонга келган

қайнопаси ва қайнонасининг олдида дастурхон ёзиб, ош-овқат, чой-нонига қараб турганида, турмушидан ажраб келган қайнсинглиси унинг ўғилчасини овқатлантира бошлади. Шу пайт Ситоранинг кўнглига қандай шайтоний ўй оралади, ўзига аён, югуриб келиб, кичкинтойини қайнсинглисининг қўлидан юлқиб олди:



— Нима едиряпсан боламга?! Ўзим овқатлантираман. Бундан кейин менинг боламга кўлингни теккизма! — деб бақирди у.

Қайнсингил Лоланинг кўзлари ҳайрат ва таажубдан катта-катта очилди:

— Келинойи, сиз банд бўлганингиз учун жиямининг овқатини бера қолай, дебман...

— Ишинг бўлмасин, сенинг! Банд бўлсам, кўлим бўшаганида овқатлантираман, тушундингми?

Ситора шундай деб бақираркан, мурғаккина, икки ярим яшар гўдакни савалай кетди. Опаси ва онаси билан ичкари уйда овқатланиб ўтирган Жамшид хотинининг шангиллагани ва боласининг чинқириб йиғлаётганини



Ойна

эшитиб, ҳовлига оёқяланг югуриб чиқди-да, боласини аямай калтаклаётган хотинининг устига ваҳоҳат билан бостириб бориб, орқа-олдига қарамай, уни ура кетди...

...Ким айбдор? Бу саволни муҳокама қилмоқчи эмасмиз. Оила муқаддаслигини, аёл киши ҳамма нарсага лов этиб ёниши ододдан эмаслигини кўзига ўқтирмаган, ўғлига оиланинг асосий мезони муросаи-мадора эканини, эркак киши аёли учун тарбиячи мақомида бўлишини ва хотинига кўл кўтариш мард эркакка номуносиблигини ўғлига ўргатмаган ота-оналарни айблайликми? Оила қурган, фарзанд кўрган бўлса-да, ханузгача бу неъматлар масъулиятини ҳис этмаган, енгилнинг остида, оғирнинг устида юрган ёшларини?

Хуллас, айбдорларни муҳокама қилганимиз сари баҳс илдиз отаверади, муаммо чуқурлашиб кетаверади.

Кўнглига эса оғриқ инади. Бир оила шунчалик осон парокандаликка учрайди? Борингки, улар ажрашиб кетмасин, аммо оила аъзоларининг дарз кетган қалби бир-бирига қайта исирмикан?..

Агар бу оилада соғлом маънавий муҳит бўлганида, шундай хунук воқеа юз бермаслиги, орага совуқчилик тушмаслиги ҳам мумкин эди-ку, тўғрими?

ЛАЗИС РАЖАБОВ,
Тошкент шаҳар Юнусобод
тумани ИИБ ТБ терговчиси,
лейтенант.
Умида АДИЗОВА,
журналист.

ИЖАРАГА БЕРИШ ШАРТЛАРИ

Автомототранспорт воситаларини ижарага бериш билан боғлиқ битимларни тузиш ҳақида маълумот берсангиз.

Х.Шаропов,
Тошкент вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, "...нотариуслар томонидан автототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ишончномаларини, бошқа шахсга бериш (олди-сотди, алмаштириш, ҳада этиш, рента), ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш, лизинг шартномаларини нотариал тасдиқлаш фақат "Давлат белгиси" давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва худудий кодга эга бўлган қатъий ҳисобот берилмаган гербли (махсус) бланкларда амалга оширилади".

Автомототранспорт воситаларини ижарага бериш билан боғлиқ битимларни тасдиқлашда нотариус белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларни талаб қилади.

Автомототранспорт воситаларини ижарага бериш билан боғлиқ битимлар тасдиқлангандан кейин ДИХХХ органларида ҳисобга қўйилиши шарт. Бу тўғрисида шартнома матнида ва тасдиқловчи ёзувда шартнома нотариал тартибда тасдиқланган пайтдан бошлаб ўн кун мобайнида ДИХХХ органларида ҳисобга қўйилиши кераклиги кўрсатилиши лозим. Бунда шартнома матнининг якуний қисмида ва тасдиқловчи ёзувда "Ушбу шартнома ИИВнинг тегишли ДИХХХ органларида ўн кун ичида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилиши шарт. Мазкур талабни бажармаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади", деб ёзиб қўйилади.

Саволга Қуйи Чирчиқ тумани ДНИ нотариуси Режавали СОТИВОЛДИЕВ жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соқлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусаҳҳихлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

БИЛАСИЗМИ?

Шарқнинг машҳур педагог алломаси Жалолиддин Довоний ва ундаи 200 йил кейин яшаган немас ошми Дистервег «Бола қалби тоза ёзув тахтасига ўхшайди. Унга нима ёзилса (киритилса), шу унинг тақдирини яратад», дейишган.

«UMID VA ISHONCH»

ТИББИЁТ МАРКАЗИ
қуйидаги хизмат турларини таклиф қилади:

- Эндокринолог.
- Ультратовуш таъхиси (УЗД)
- Терапевт. ЭКГ.
- Медисон X 6 апаратурада доплерография.
- Невропатолог. ЭХО-ЭС.
- Физיותרпия.
- Гинеколог
- Муолажа хонаси.
- Уролог.
- Клиник-биокимё лабораторияси.

РЕКЛАМА

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

8 (371) 245-07-42, 245-07-72,
245-07-79, 227-47-80.

Манзил: Тошкент шаҳри. Бешбўғ даҳаси. 1-уй
Мўлжал: "Истиқлол" санъат саройи яқинида.
E-mail: umid_va_ishonch@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.
Лицензия № 1255-00

Берилган сана: 26.03.2012 йил

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан рўйхатда олинган. Буюртма Г
— 1136. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади —
5598. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5